Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 199 (9189). 20 октябрь, 1983 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ҚУРИТИШ МАШИНА-УСКУНАЛАРИ ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Бекобод районидаги Акмал Икромов номли пахта заводининг тайёрлов пунктида қуритиш-тозалаш цехи ишлай бошлади. Корхона коллективи об-ҳаво бузилиши олдидан тайёргарлик кўрди. Бу ерда барча технологик машина-ускуналар ремонтдан чиқарилди.

— Биз ҳар куни «сушилка»дан 60 тонна пахта ўтказаяпмиз,— дейди тайёрлаш пунктининг мудири Рашид Тошмуротов.— Лекин ҳозирча фақат бир сменада ишлаяпмиз. Об-ҳаво салгина ўзгариши биланоқ машина-ускуналарни тўла қувват билан ишга тушириб юбормоқчимиз. Цех яна қўшимча иккита бригада билан комплектланган. Улар зарурат бўлиб қолган пайтда ишга тушишади. Ҳозирча эса ҳосилни қабул қилиб олишмоқда.

Оқтепа, Пискент, Янгийўл пахта заводларининг қуритиш-тозалаш цехлари ҳам янги мавсумни бошлаб юборди. Шу куз «Ташзаготхлопкопром» бирлашмасининг корхоналарида қирқтадан кўп қуритиш-тозалаш цехи ишлайди. Улар бир кунда 7 минг тоннагача пахтани қуритиб чиқара олади.

(ЎзТАГ мухбири).

ТЕРИМДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

АЙНИ КУНЛАРДА ҳар биримизнинг фикри-ёдимиз, ўй-хаёлимиз пахта билан банд. Эрта билан турибоқ, ҳали нонушта қилмасданоқ радиога қулоқ соламиз. Пахта фронтида қандай янгиликлар бор экан?.. Газетани қўлга олишимиз билан энг аввало, ундаги маълумотларга кўз югуртирамиз. Кеча қанча пахта тайёрланди?! Пойгада ким илдам, ким олдинда боряпти? Рақамлар салмоқли ва маъноли бўлса қувонамиз. Суръат сусайган бўлса бир-биримизга ташвишли боқамиз. Ишқилиб ҳаво очиқ турсин-да, деймиз. Ўзимизча планнинг қачон бажарилишини хомчўт қилиб қўрамиз.

...Ҳа, бугун Ўзбекистонда ҳамма пахтакор. Еши, касби, лавозимидан қатъий назар бирон кимса йўқ-ки, у пахта ишқи билан ёнмасин, пахта ҳақида ўйламасин. «Оқ олтин» меҳри ҳар биримизнинг қалбимизда. У нур бўлиб, қўр бўлиб кирган дилимизга. Бу табиий, албатта. Эгимизнинг бутлиги, бахтимиз, саодатимиз, тинчлигимиз, осойишталигимиз, ҳаётимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги пахта туфайлидир. Шунинг учун ҳам бутун йил давомида пахтакорлар билан ҳамнафасмиз, ҳамдардмиз.

Очиғини айтиш керак. Бу йил пахтакорларга осон бўлмаяпти. Баҳордаги ёмғир ва дўллар, саратоннинг жазирама гармселли иссиғи деҳқонларимиз олдига қатор қийинчиликларни кўндаланг қилиб қўйди. Баҳорнинг қуруқ келиши, чигит экилган дастлабки кунларда ерда намнинг камлиги туфайли ниҳолларни ундириб олиш соҳасидаги кечикишлар, ёздаги ҳаддан ташқари иссиқ ўз асоратини қолдирган эди. Айрим далаларда гўза бир текис ўсмади, ҳосил мўл бўлгани билан кўсакларнинг очилиши бирмунча кечикди. Ўша жазирама иссиқда тўкилиб кетган ҳосил элементларининг ўрни бугунга келиб билинаётган эди. Ана шунинг учун ҳам ўсиш суръатларини ўтган йилдагидек жадал эмасди. Лекин улар «оқ олтин» учун курашда юксак ватанпарварлик, уюшқоқлик, меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатдилар ва асосий майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Областимизнинг марду майдон пахтакорлари ҳар йилгидек бу йил ҳам маррага барвақт етиб бориш, она-Ватанга 435 минг тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошладилар. Терим агрегатларидан юқори унум билан фойдаланиш, ишга қобилиятли, тани-жони соғ ҳар бир меҳнат аҳлини теримга сафарбар этиш юзасидан катта ташкилотчилик ишлари олиб борилди. Ана шундай долзарб дамларда Республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаати эълон қилинди. Бу ҳаммани жасоратга руҳлантирди.

Йиғим-терим ишларига барча техника, ишчи кучларини, имкониятларни тўла сафарбар этиб, суръатни кучайтириш бош вазифа қилиб қўйилди. Зотан, куч-ғайратни, унумдорликни икки-уч ҳисса ошириш зарур эди.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, аксарият районлар, колхозлар ва совхозлар бу вазифани муваффақиятли уддаламоқдалар. Ҳамма ерда пахтазор — жасорат майдонига, совет кишисининг иродаси, қобилияти, матонати, она-Ватанга бўлган меҳр-садоқатини яна бир карра синаш майдонига айланиб кетди.

Юзлаб, минглаб ҳашарчилар далага отландилар. Энг қийин дамларда пахтакор ўғил-қизларига ҳамкор, ҳамнафас бўлишга аҳд қилган, теримда уларга баҳоли—қудрат ёрдам беришга бел боғлаган янгийўллик бир группа меҳнат, уруш, партия ветеранларининг ташаббуси кенг қулоч ёйди.

Машъал Бўка районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил ҳам теримда пешқадамлик қилмоқдалар. Кунлик ўсишда илғорликни қўлдан бермаётган Коммунистик райони дала захматкашлари шижоатига ҳамма қойил қолаётир. Оққўрғон, Бекобод, Ўрта Чирчиқ районлари деҳқонлари ҳам суръатни бўшаштирмаётирлар. Ҳозир областимизда олти хўжалик, 320 дан ортиқ бригада ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар зиммаларига оширилган мажбурият олган ҳолда теримни жадал давом эттирмоқдалар.

Азамат ҳашарчиларнинг баракали ёрдамидан ҳамма мамнун бўлаётир. Бу ўринда Чирчиқ шаҳри, Паркент ва Фрунзе райони меҳнаткашлари, Оржоникидзе районидаги кўпгина ташкилотлар, Ангрен шаҳри мададкорларининг иши таҳсинга сазовордир. Оққўрғон районидаги 189-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти, Ангрендаги медицина билим юрти талабалари икки беш кунликдан буён областнинг кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар.

Терим илғорларидан ўрнак олиб, унумдорликни ошириш, ҳосилнинг мисқолини ҳам ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиб, тезроқ маррага етиш ҳозирги кундаги бош масала, бош вазифадир.

Афсуски, баъзи районлар, колхоз ва совхозларда терим суръати пасайиб кетди. Янгийўл, Чиноз районларида далада ишлаётганларнинг унумдорлиги талаб даражасида эмас. Чиноз районидаги Киров номли колхоз, «Партия XXIV съезди» совхози, Янгийўл районидаги «Ленинизм», Х. Турсунқулов номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозлари, Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози ва бошқа кўпгина хўжаликлар йиғим-теримда суст кашлик кўрсатмоқдалар.

Бундан буён об-ҳавога ишониб бўлмайди. Асосий диққат эътибор қўл теримини кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Афсуски, айрим ҳашарчи коллективлар ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилмаяптилар. Бу гап олмалиқликларга ҳам тааллуқлидир. Ғалаба райони пахтазорларида пахта тераётган Тошкент шаҳрининг Киров, Куйбишев районлари корхона ва ташкилотлари раҳбарлари ўзлари эришаётган натижаларни пухта таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқариб олишса, дуруст бўлардн. Чунки корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг назоратни бўшаштириб юборганликларидан фойдаланаётган баъзи ҳашарчи коллективлар хўжакўрсин учун далага чиқмоқдалар.

Далада ишлаётганларга зарур маданий-маиший шароитларни яратиб бериш, ҳар бир кун, ҳар бир соатдан унумли фойдаланиш деҳнат унумдорлигини оширишнинг гаровидир. Умуман олганда бу соҳада ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Колхоз ва совхозларда савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш кундан-кунга кучайтирилмоқда. Бироқ кўпгина жойларда камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам сир эмас. Айниқса, ҳашарчилар учун яхши шароитлар яратиб бериш тўғрисида кўнгилдагидек ғамхўрлик қилинмаяпти. Айрим жойларда ётоқхоналар санитария-гигиена талабларига тўла жавоб бермайди. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари хўжалик раҳбарлари билан бамаслаҳат бу соҳадаги муаммоларни зудлик билан ҳал этиш чораларини кўришлари лозим. Мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларини ўз вақтида амалга оширши керак.

Куни кеча матбуотда КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигига Чақириқлари эълон қилинди. Бу чақириққа жавобан пахтазорларда меҳнат ғайратини янада жўш урдирайлик.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида таъкидланганидек шу ҳал қилувчи кунларда ҳеч ким «оқ олтин» теримида қатнашишдан четда қолмаслиги керак. Пахтазор жанглиққа, куч-ғайратларни бирлаштиришга, темир интизомли бўлишга даъват этмоқда. Уюшқоқлик, тартиб-интизом, юксак унумдорлик бутун пахта конвейерида ўзгармас қонда бўлиб қолиши лозим. Ҳозирги куннинг талаби, шиори ана шундай!

ПАХТАЗОР—ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

• ДАЛАЛАРДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧГА КИРДИ • КУНЛИК ЎСИШДА КОММУНИСТИК, БЎКА, ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР • *БЎКА РАЙОНИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИ АЙНИ КУНЛАРДА ҲАМ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИНЛИГИНИ КЎРСАТМОҚДА* • ЯНГИЙЎЛ, ЧИНОЗ, ҒАЛАБА РАЙОНЛАРИ ПАХТАКОРЛАРИ, СУРЪАТНИ КУЧАЙТИРИНГ, ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ! • БУНДАН БУЁН ОБ-ҲАВОГА ИШОНИБ БЎЛМАЙДИ. ТЕРИМДА БИРОН ДАҚИҚА ҲАМ БОЙ БЕРИЛМАСИН. БАРЧА КУЧ-ВОСИТАЛАРНИ САФАРБАР ЭТИБ, УНУМДОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК, ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК ВА ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАЛАРИНИ КЎРСАТАЙЛИК!



Раҳмат сизга, отахонлар!

● МАНА бу юқоридаги суратдаги юз-кўзларидан нур ёғилиб турган отахонга бир назар ташланг. Ешлари 85 дан ошиб қолган. Абдулла ота Хотамов ҳар йили йиғим-терим бошланиши билан далага ошиқиб қоладилар. Тиришқинлигимиз шу пахтадан, уйда қўл қовуштириб ўтиришдан ярашмайди, дейдилар.

Бу йил ҳам шундай қилдилар.

Биз ҳам сиз билан бирга бўламиз, далага чиқамиз, дейишди, Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозида истиқомат қилаётган бир группа ветеранлар, отахон онахонлар (ўртадаги суратда). Улар белларига этак тутиб пахтазорга чиқдилар. Ҳар куни баҳоли-қудрат ўз фарзандларига ёрдам бермоқдалар.

Отахонлар ўртасида ҳам ўзаро мусобақа йўлга қўйилган. Улар ким ўзарга меҳнат қилишяпти. Бу мусобақада (ўнгдаги суратда) Тиллабой ота Тўйчибоев (чапдан), Оймбуви Тўйчибоева, Равшан ота Маматовлар пешқадамлик қилишяпти. Хирмонга кунига 20—30 килограмм га етказиб «оқ олтин» тўкишяпти.

Оталар сўзи — ақлнинг кўзи, дейди халқимиз. Биз бунга қўшимча қилиб оталар ибрати — ҳаётимиз, меҳнатимиз зийнати, деб айтмоқчимиз.

Ҳурматингизга қойилмиз, отахонлар ва онахонлар!

В. Портнов фотолари.





ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

НУРИДДИНЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

● ШУ РАЙОНДАГИ ўрта мактабларнинг ёш ўқитувчиларидан тузилган «Педагог-83» отрядининг 130 аъзоси ҳозирги кунгача 300 тонна «оқ олтин» териб берди. Ёш педагогларнинг ҳар бири кунига ўртача 43—45 килограммдан пахта термоқда.

Отряд аъзолари ўртасида ташкил этилган ўзаро мусобақада Нуриддин Маматқулов пешқадамлик қиляпти. У ўтган куни 90 килограмм «оқ олтин» теришга эришди. Нуриддин Сайдалиев эса шу куни 78 килограмм натижа кўрсатиб, ғолиблар сафидан ўрин олди.

ЛАБЗИ ҲАЛОЛ ҲАШАРЧИЛАР

● ЯНГИЙЎЛ. Район машиний хизмат кўрсатиш комбинатининг Калинин номли колхоз пахтакорларига ёрдамга чиққан 20 нафар ходимлари мавсумда 30 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган эдилар. Лабзи ҳалол ҳашарчилар ваъдаларини ёруғ юз билан бажаришди. Улар уйган хирмон 39 тоннадан ошди.

Машиний хизмат ходимлари ҳамон суръатни бўшаштиришмаяпти. Айниқса, Кифоят Ниёзова ҳамда опасингил Машкура ва Нигора Тошбоевалар ғайрат кўрсатишяпти. Уларнинг ҳар бири кунига колхоз хирмонига 100—120 килограммдан «оқ олтин» териб тўкмоқдалар.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ЧИРЧИҚЛИКЛАР

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Доимий анъанага амал қилаётган чирчиқлик ҳашарчилар бу йил ҳам оталиқдаги район пахтакорларига самарали ёрдам кўрсатмоқдалар. Чирчиқликлар шу кунгача пахтадан 5507 тонналик хирмон уйдилар.

Куйбишев номли колхоз пахтазорларида меҳнат қилаётган 2-автобаза ходимларидан 50 киши хирмонга жами 43 тонна «оқ олтин» тўкди. Уларнинг ҳар бири кунига 64 килограммдан пахта териб беришяпти. «Северний маяк» колхозига ҳашарга чиққан чирчиқлик комсомол-ёшлар бригадаси ҳам кунлик суръатда улардан қолишмаяпти.

ҲОСИЛ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

● ПИСКЕНТ. «КПСС XXVI съезди» совхозининг Бегим Дўсбеков раҳбарлик қилаётган 3-бўлими пахтакорлари дастлабки довондан ошдилар. Давлатга 1388 тонна «оқ олтин» топширилиб, йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Ҳосилдорлик 29,7 центнерни ташкил этди.

Ҳозир бўлим пахтазорларида 40 центнерлик марра учун кураш давом этяпти. Кунлик суръатда Қурбон Султонов, Ватан Шодмонов, Очил Абдуллаевлар бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилишмоқда.

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

● КОММУНИСТИК. «Правда» колхозида ғалаба рапортига имзо чекаётган бригадалар сафи кенгайиб бораяпти. Куни кеча У. Мирзараҳимов бошлиқ бригада коллективи ҳам ҳар гектар майдондан 36,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, жами 259 тонна хом ашё тайёрлади.

Кунлик суръатнинг юқори бўлишида колхозчилар билан ёнма-ён туриб химмат кўрсатаётган ҳашарчиларнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлаётир. Жумладан, Арганчи қишлоқ Советига қарашли участка касалхонаси ходимлари ҳашарчилар ўртасидаги мусобақада илғорликни қўлдан бермаяптилар. Ўтган куни улар ўртача 65 килограммдан пахта теришди. Шу кунгача эса колхоз хирмонига тўкkан «оқ олтин»лари 42 тоннага етди.

ПАХТАЗОРДА ШЕЪРХОНЛИК

● БЕКОБОД. Ўтган куни таниқли шоирлар район пахтакорларининг ҳурматли меҳмони бўлишди. Айниқса, Ленин номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзматова бошлиқ 60 центнерчи бригадаси пахтазорларида уюштирилган шеърхонлик мароқли ўтди. Пахтакорлар Сайёр, Назармат, Анвар Ҳожи ва Тўлқинларнинг шеърларини олқишлар билан кутиб олдилар.

Шу куни шоирлар райондаги «КПСС XXV съезди» совхози пахтакорлари ҳузурида ҳам бўлишди.

ТОШКЕНТ КОРХОНАЛАРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов 19 октябрь куни Тошкентнинг бир қанча корхоналарида бўлиб, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган энг муҳим вазифалардан бири — халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хилини ошириш ва буюмлар сифатини яхшилаш вазифаси амалда қандай ҳал этилаётганлиги билан батафсил қизиқиб танишди.

Тошкент тўқимачилик комбинатида аҳолининг юқори сифатли газламаларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш тўғрисида амалий, принципиал суҳбат бўлди. Ҳақли равишда Ўзбекистон енгил саноатининг байроқдори деб аталаётган бу корхона кейинги йилларда янги машина-ускуналар билан жиҳозланди, ўз ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтирди. Шу билан бирга суҳбатда комбинат олдида турган вазифаларнинг ҳаммаси ҳам етарлича ҳал этилмаётганлиги уқтириб ўтилди. Бу гап корхонани реконструкция қилишга, станоклар ва машиналарни янгилашга, кадрларни тайёрлашга, ишлаб чиқариш интизомини, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилашга тааллуқлидир.

Шу куни И. В. Капитонов В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига борди. Самолётсозлар ўз маҳсулоти—авиация лайнерларида муносиб шуҳрат қозонган лайнерларни кўрсатдилар. Халқ учун моллар тайёрланаётган завод цехлари ҳам кўздан кечирилди. Самолётсозлар шундай маҳсулот ишлаб чиқариш учун кўп иш қилдилар ва улар бунга катта аҳамият бермоқдалар.

Кўздан кечириш чоғида таъкидлаб ўтилганидек, халқ учун юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришда барча имкониятлардан фойдаланаётган В. П. Чкалов номли авиация бирлашмаси каби катта-катта корхоналарнинг тажрибасини кенг кўламда оммалаштирса арзийди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР енгил саноат министри Н. Н. Тарасов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров И. В. Капитонов билан бирга бўлдилар.

(ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 19 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

	Биринчи устун	Иккинчи устун	Учинчи устун	Мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)
Бўка	1,68	90,04	1,68	85,04
Коммунистик	1,93	86,53	2,07	85,13
Оққўрғон	1,65	78,03	1,93	69,84
Пискент	1,56	76,64	0,86	56,54
Ўрта Чирчиқ	1,73	75,85	1,27	71,53
Бекобод	1,55	74,81	1,10	47,03
Ғалаба	1,55	69,81	0,96	59,69
Чиноз	1,65	69,35	1,55	44,99
Янгийўл	1,42	62,33	0,73	29,53
Область бўйича	1,62	76,59	1,40	63,05

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир мунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун—мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

ШОИРНИНГ ИЛҲОМБАХШ СЎЗИ

Ўз асарларида жонажон халқ тарихини ва замондошларнинг мислсиз жафарларини мужассамлаштирган атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом кўп миллатли Совет адабиётида ҳақли равишда фахрли ўринни эгаллайди. Республика халқ шоири, Ленин мукофотининг лауреати Ғафур Ғуломнинг мамлакатимизда қарийб уч миллион нусҳада нашр этилган шеър ва насрий асарлари бугунги кунда ҳам революцион публицистика, давр тўғрисидаги чуқур фалсафий ўйлар, нозик лиризмнинг чамбарчас боғланган ўзига хос намунасидир. 18 октябрь куни Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида Ғафур Ғулом таваллудининг 80 йиллигига бағишланиб ўтказилган тантанали кеча шоир ижоди беқиёс аҳамиятга эга эканлигининг далили бўлди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари В. Кожевников кечани очиб, Улуғ Октябрь озодлик ва ёруғлик йўлини очиб берган ўзбек халқи атоқли фарзандининг бутун ҳаёти — ўз ижодида жонажон халқига бўлган меҳр-муҳаббатини юксак совет ватанпарварлиги туйғуси билан узвий боғлаган интернационалист шоирнинг ҳаётидир, деб таъкидлади. Шоир Маяковский ва Горькийни санъатда ўз устозлари деб атади. Халқларнинг бузилмас дўстлигини, Советлар мамлакатини коммунизмнинг порлоқ чўққилари сари бошлаб бораётган Ленин партиясини тараннум этувчи шеърлари ҳозирги кунда ҳам улуғ Советлар мамлакати барча қизиқиш уйғотмоқда. Унинг давр синовидан ўтган ва қайта-қайта нашр этилаётган публицистик ва адабиётшуносликка оид асарлари ҳозирги пайтда ҳам актуаллиги, партиявий принципиаллиги ва кўламининг кенглиги билан намуна бўлмоқда.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Саломов Ғафур Ғулом ижодининг ғоят катта аҳамияти, унинг Совет адабиёти ривожига ўтказаётган таъсири тўғрисида гапирди.

Кечада сўзга чиққан ёзувчилардан Ч. Айтматов, А. Софронов, Р. Казакова, М. Карим, С. Азимов, Э. Воҳидов таъкидлаб ўтишганидек Ғафур Ғулом шеъриятининг мутаассиблиги, аниқ-пухта ғоявий позицияда бўлишининг, жонажон халқининг миллий санъати билан ғоят яқин алоқада бўлишининг намунаси сифатида Ўрта Осиё регионининг адиблари учун айниқса қадрлидир.

Совет халқларининг катта ва аҳил оиласи таркиб топгандан бери ўтган олтмиш беш йил мобайнида янги, социалистик урф-одатлар ва анъаналар вужудга келди. Абадий биродарлашган социалистик миллатлардан ҳар бирининг ҳаётидаги муҳим саналар ва воқеаларни бирдек қизиқиб байрам қилиш турмуш тарзимизнинг моҳияти ва табиатини чуқур акс эттирувчи шундай анъаналардан бири бўлиб, ўзбек халқининг ҳаёти, маънавий тарихидаги ҳудди шундай сана бугун нишонланмоқда. Бу сана ажойиб совет шоири, адиби, публицисти, улкан олим Ғафур Ғулом туғилган кунининг 80 йиллигидир.

У ўзининг бутун оташин ижоди билан, пролетар интернационализми юксак пафоси билан йўғрилган, совет халқлари дўстлиги ва қардошлиги туйғуси билан суғорилган ҳар бир илҳомбахш сатри билан бутунлай кенг, умумиттифоқ миқёсида нишонланиш ҳуқуқи ва шарафини қозонди.

Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти Ленин партиясининг иродаси билан, улуғ рус халқининг, буюк Ватанимиздаги бошқа халқларнинг бегараз, қардошларча ёрдами билан қадимий диёрда коммунизм қураётган Совет Ўзбекистони тарихини ойнадек акс эттирди. Жонажон халқ ҳаётни билан ғоят чамбарчас алоқа унинг ижодида асосий ўринни эгаллади. Бу тушунарлидир: камбағал деҳқон оиласидан бўлган, болалигидаёқ етимлик, камбағаллик ва ҳуқуқсизлик жабрини тортган шоирга ўзбек меҳнаткашларининг орзу-умидлари унинг қалбига яқин эди.

Ғафур Ғулом шеърлари, поэмалари, повестлари, публицистик ва адабий-танқидий мақолалари — ўзбек халқи иқтисодий ва маданий қолоқликдан ҳозирги кунларимиздаги барқ уриб гуллаб яшнаш ва бахтиёрлик сари босиб ўтган улуғ йўлининг жонли йилномасидир.

Лекин у мана шу йўлдаги оддий солномачигина бўлиб қолмай, дейишди нотиқлар, шу билан бирга жангга ва тинч қурилишга чорловчи коммунист шоир, илҳомбахш куйчи ва мард солдат эди. У коммунист солдат сифатида жангчилар ва қурувчиларнинг ҳамишда олдинги сафларида борди, янги ҳаёт учун олиб борилган жангининг энг муҳим жабҳаларида бўлди. Совет халқларининг дўстлиги ва қардошлиги, социалистик интернационализм ғояси ва мавзуи Ғафур Ғулом ижодида алоҳида, белгиловчи ўринни эгаллайди. У улуғ рус халқининг донолиги ва олижаноблигини ҳеч қачон қалбини тўлдирган қизғин меҳр-муҳаббат билан тараннум этади. Шоир даҳшатли ҳарбий синов кунларида рус халқига мурожаат қилади, оламшумул — тарихий ғалабамизнинг қувончли кунида у ҳақда куйлайди.

Юксак партиявийлик, олижаноб гражданлик, чуқур совет ватанпарварлиги Ғафур Ғулом талантига, севикли халқининг бутун орзуйўллари ва муддаоларини, ер юзидаги барча софдил кишиларнинг қайғуси ва қувончини дилига жо қилган улкан қалб соҳиби бўлган санъаткор ижодига хос ҳусусиятдир.

Унинг истеъдоди ўлмас Алишер Навоий ва Бобирдан тортиб Муқимий, Фурқат ва революциянинг оташин куйчиси, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодидаги барча энг яхши, демократик ва тараққийпарвар ғояларни ўзига сингдирди. Айни шу асосда Ғафур Ғулом билан бирга ўзбек шоирларининг бутун бир шонли авлоди шаклланиб, камол топди. Ўзбек адабиёти улар туфайли умумиттифоқ ва жаҳон миқёсида шуҳрат қозонди.

Ҳеч шубҳа йўққи, деб таъкидланди кечада, Ғафур Ғулом таваллуди саксон йиллигининг байрам қилиниши кўп миллатли социалистик адабиётнинг янада равнақ топишига, мамлакатимиз халқлари қардош маданиятларининг ўзаро бойишига, кишиларни илҳомбахш совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш улуғ ишига хизмат қилади. Ғафур Ғуломнинг ҳаётбахш сўзи партия, халқ муқаддас ишига, коммунизм ишига хизмат қилиб келди, хизмат қилмоқда ва абадий хизмат қила беради!

Кеча охирида санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

(ТАСС — ЎзТАГ мухбирлари).

ЭНЕРГЕТИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСИДАГИ ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАР ПОСТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёнинг бу йирик нурхонаси қурилишида муҳим босқич давом этмоқда. Барча бинокорлар ва монтажчилар станциянинг дастлабки қувватларини барвақт фойдаланишга топшириш учун фидокорона меҳнат қилишяпти. Бу ўз навбатида шу нурхонадан фойдаланувчи кадрлар тайёрлаш масаласини тезроқ ҳал қилишни тақозо этяпти. Шунинг учун ҳам ГРЭС маъмурияти бу масалага катта эътибор бермоқда. Турли касб эгаси бўлган энергетикларни ўқитиш кўлами тобора кенгайиб бораяпти.

Кадрлар тайёрлашнинг тезлаштиришни талаб этаётган сабаблардан яна бири шундаки, бу ерда мамлакатимиз энергомашинасозлари томонидан биринчи марта ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган кўпгина асбоб-ускуналарнинг намуналари ўрнатилади. Қозон агрегатлари Ангрен кўнғир кўмирини ёқишга мослаб лойиҳаланган, тегирмон, вентиляторлар ҳам, сув иситгичлар ҳам янги типдаги агрегатлардир. Бундай қудратли энергоблокларда мамлакатимизда биринчи бўлиб ўзи оқадиган техник сув таъминлагич ишлатилади. Унинг минорали градирняси баландлиги 130 метрдир.

Энергетика ишлаб чиқаришимизнинг характерли хусусиятлари шундаки, ўрнатилган асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатишда нурхона асосий цехлари — қозон-турбина, электрик, химик ва иссиқлик автоматикаси ҳамда ўлчовлар цехининг оператив ишчи-хизматчилари катта роль ўйнайдилар. Энергоблокларнинг ишончли ва тежамли ишлаши кўп жиҳатдан қозон-турбина цехи ходимларининг тажрибаси, масъулияти ва интизомлилигига боғлиқ бўлади.

Чунки барча асосий энергоблок асбоб-ускуналари — қозонлар, турбиналар ва генераторлар уларнинг ихтиёрида бўлади. Шунинг учун ҳам цехнинг етакчи касб эгаси бўлган мутахассислари — сменалар бошлиқлари, энергоблокларнинг катта машинистлари, қозонлар ва турбиналарнинг машинистларини тайёрлаш тезлаштирилмоқда.

Касб тайёргарлиги етарли бўлган ходимлар энергоблокларни монтаж қилишда қатнашмоқдалар. Улар бу ерда асбоб-ускуналар конструкциясининг ўзига хос хусусиятларини атрофлича ўрганадилар, монтажчилар билан биргаликда кейинчалик фойдаланиш давомида у ёки бу узелларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш резервларини ишга соладилар. Қозон машинисти А. Волков ўзининг бу янги вазифасини яхши уддаламоқда. У илгари Ермаково ГРЭСида катта мастер бўлиб ишлаган эди. Илгари қозон-турбина цехи смена бошлиқлари бўлиб ишлаган Р. Дуйсенбинов ва С. Переводчиковлар ҳам сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Касб маҳорати даражаси етарли бўлмаган, айниқса илгари юксак параметр босимли буғ қозонлари ва энергоблокларида ишламаганлар дастлаб Украина ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ўқув-тажриба марказида ўқимоқдалар. Ҳозир бу ерда коллективимиз аъзоларидан ўнлаб киши таълим олаяпти. Бундан ташқари, станциямиздаги каби асбоб-ускуналар ўрнатилган нурхоналарда ҳам энергетикларимиз тажриба ўрганмоқдалар. Ҳозирги вақтда Сирдарё ГРЭСида бўлажак мутахассисларимиз агрегатларга хизмат қилиш «сир»ларидан воқиф бўлишяпти. Нурхонамиздаги резерв қозонхона ҳам мутахассислар тайёрлашга ёрдам бермоқда. Бу ерда навбатчи слесарлик қиладиган ишчилар тайёрланяпти. Бундан ташқари, техника таълими системасида ўтказилаётган машғулотлар, ишга тушириладиган комплекснинг айрим операциялари бўйича нашр этилаётган программ қўлланмалар, турли хил кўргазмали воситалар ҳам кадрларни ўқитишга хизмат қилаяпти. Бўлажак фойдаланувчилар ўз малакаларини мустақил оширишлари ҳам мумкин. Бунинг учун лингофон кабинети ташкил этилган. Унда 15 та магнитофон бор. Бу магнитофон лента ларига янги Ангрен ГРЭСи асбоб-ускуналари конструкцияси ва улардан фойдаланиш хусусиятлари ҳақида 20 дан ортиқ лекция ёзилган. Бундай лекциялар яна кўпаймоқда. Энди цех техника кабинети ташкил этилади. У ҳам кадрлар тайёрлашга ёрдам беради.

Қисқа қилиб айтганда, янги нурхонадан фойдаланувчи кадрларни тайёрлаш юзасидан белгиланган комплекс программа муваффақиятли амалга оширилмоқда.

В. ДВОРОВЕНКО,
Янги Ангрен ГРЭСи қозон-турбина цехи бошлиғининг ўринбосари, жамоатчи мухбирлар пости аъзоси.



● «УЗБЕКТЕКСТИЛЬ МАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи иккита пахта тозалаш асбоб-ускунаси — ДВ—ГМ ўқли жинлар ва 5ЛП аррали линтерлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Суратда: йиғувчи-слесарлар В. Жданов (чапдан), Р. Богданов, В. Сердюк ва Ш. Абдураҳимовлар янги аррали линтер йиғишда унумли ишламоқдалар. А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ТАРБИЯВИЙ ИШГА ҲАММА ДАХЛДОР

Совхоз коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишига тўғри даладан келишди. Улар орасида деҳқор пахтакорлар оз эмас. Илғорлар ҳиссаси билан ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида асосий соҳалар бўйича план ва зиммага олинган мажбуриятлар ортиғи билан адо этилди. Икки йил ичида асосий тармоқ — пахтачилик бўйича ҳосилдорлик 34,7 центнерга етказилди. Давлатга пландаги 16160 тонна ўрнига 17500 тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё сотилди. Сабзавот, дон ва пилла етиштиришда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган совхоз партия комитетининг секретари А. Ҳожимирзаев коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли ошганлиги учун ана шундай ютуқларга эришилаётганлигини қайд этди. 9 та цех партия ташкилоти ва 14 та партия группасига бирлашган 179 коммунист ва 4 нафар партия аъзолигига кандидат турли соҳаларда масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Ҳисобот даврида бўлиб ўтган умумий йиғилишларда турли соҳаларга оид 28 та масала муҳокама қилинди. Уларнинг кўпчилиги партия-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларга бағишланди. Ҳозир ҳам ҳар кварталда бир марта цех партия ташкилоти секретарларининг, икки ойда бир марта пропагандистларнинг семинарлари ўтказилмоқда.

Партия комитети ҳузурида ташкил этилган маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияларининг иши ҳам йиғилишда атрофлича таҳлил қилинди. Ўз ўрнида цех касаба союз ташкилотлари ўз ҳуқуқларидан етарлича фойдаланмаётганликлари қаттиқ танқид остига олинди.

КПСС Марказий Комитети қарорлари асосида партия ўқувининг қайта ташкил этилганлиги қандай самаралар бераётганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. 7 та марксизм-ленинизм ва битта илмий коммунизм мактабида 150 нафар коммунист ўз сиёсий билимларини оширди. Партия стажи бир йилгача бўлган КПСС аъзолари ва партия аъзолигига кандидатлардан 20 киши район партия комитети ҳузурида ташкил этилган ёш коммунистлар мактабига жалб этилган. Билимли ва тажрибали 18 нафар пропагандист меҳнаткашларнинг сиёсий билимини оширишда партия комитетига яқиндан ёрдам бермоқда. Шунингдек, катта ҳаёт тажрибасига эга коммунистлардан 35 нафар агитатор, 21 сиёсий ахборотчи, 87 сиёсий ташкилотчи ва «Билим» жамиятининг 60 нафар аъзоси ҳам идеология ишини жонлантиришда актив иштирок этишяпти.

Йиғилишда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда барча имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлиги ҳам алоҳида уқтирилди. И. Ортиқов, Н. Бобоев, А. Халилов каби коммунистлар раҳбарлик қилаётган бўлимларда пахта ҳосилдорлиги 35—38 центнерни ташкил этгани ҳолда 1981 йилда 4 та, 1982 йилда 3 та бригадада давлат планлари бажарилмай қолди. Бундан ташқари уч йилдан бери арпа етиштириш планлари ҳам барбод бўляпти.

Совхозда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан зарур тадбирлар белгиланаётган бўлса-да, чорва моллари маҳсулдорлиги ҳамон суст ўсмоқда. Ўтган йили сут соғиб олиш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган план уддаланмади.

Идеология ишларида ҳам нуқсонлар бор. Механизация, қурилиш, чорвачилик бўлимлари ва марказий бошқарма ташкилотларида ташкил этилган сиёсий ўқув машғулотлари сифати кишини қониқтирмайди. Бу коллективларда машғулотлар ишлаб чиқаришга боғлаб олиб борилмаяпти.

Йиғилишда сўзга чиққан совхоз халқ контроли группаси раиси А. Абдурашидов жойлардаги хўжасизлик, талон-тарожликка барҳам бериш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Кўпинча ўтказилган рейд ва текширишлар самарасиз қолаётганлигини, айрим пайтларда келишувчилик йўли билан якунланаётганини танқид қилди. Биринчи бўлим цех партия ташкилотининг секретари А. Охунов, ишчилар комитетининг раиси М. Болтабоев, қурилиш бригадаси ишчиси Н. Эшонов, совхоз комсомол комитетининг секретари К. Раҳмонбердиевлар ҳам партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолиятини танқидий нуқтаи назардан баҳоладилар. Сут-товар фермаси ҳисобчиси Г. Бекдадаева, бригада бошлиғи Ж. Бердиқулов, механизатор Р. Болтабоевлар эса чорва қишловига пухта ҳозирлик кўриш ҳамда хўжаликнинг 9500 тонналик «оқ олтин» хирмонини тезроқ яратиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Бекобод районидаги «Далварзин» совхози коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида билдирилган фикрлар ҳисобот даврида йўл қўйилган камчиликларни тугатишга кўмаклашиши табиийдир.

К. МАВЛОНОВ,
А. ҲАЙДАРОВ.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚОҒОЗДАН... ҚУВУРЛАР

Киевлик олимлар таклиф этган плёнка ҳосил таннарҳини арзонлаштиришга ёрдам беради. Улар «Тулабумпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари билан биргаликда бир неча қават қоғоз ва картон елимлаб тайёрланган пишиқ ва енгил қувурлар ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бундай қувурларнинг усти ва ичи намлик ўтказмайдиган полиэтилен плёнка билан қопланади ва иссиқ ҳаво ўтказишда фойдаланилади.

— Украинада плёнкали полизларга бир ярим минг гектар ер ажратилган,— деди шу иш раҳбари, химия фанлари кандидати Ю. Скляренко.— Аммо сунъий иситиш йўқлигидан шу майдоннинг кўп қисмидан фақат эрта кўкламдагина фойдаланилади. Қишки ойлар ҳисобига мавсумни узайтириш учун ҳатто юз процент намликда ҳам коррозияга учрамайдиган махсус пўлатдан ишланган кўпдан-кўп қувур зарур бўлади. Халқ хўжалигининг бошқа кўп тармоқлари ҳам шундай материалларга ғоят муҳтож. Унинг ўрнида бошқа нарса ишлатиб бўлмасди. Картон-қоғоз қувурлар эса ишлатилиш сифати жиҳатидан металл қувурлардан қолишмайди. Улар анча енгил ва арзон, ясаш содда ва анча тез монтаж қилинади. Иссиқ ҳаво уларда температурани бир маромда ушлайди.

Киев инженерлик — қурилиш институтининг мутахассислари шундай қувурлар асосида янги конструкциядаги ҳаво тақсимловчи қурилмаларни яратдилар. Натижада усти ёпилган жойнинг ҳар қандай участкасида сабзавот баравар ўсиб етилади. Иссиқ ҳаво берувчи янги қувурлар Киев областидаги «Бориспольский» совхозида синовдан яхши ўтди.

Т. ЛАРИНА,
ТАСС мухбири.
Киев.

ҚУЁШ... РЮКЗАКДА

ҚУЁШ энергияси билан ишлайдиган чоғроқ энергетика установкаси олис яйловлардаги чўпонларни электр энергияси ва сув билан яхши таъминлаб туради. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси С. В. Стародубцев номидаги физика-техника институтининг тажриба — конструкторлик бюросида ҳиндистонлик олимлар билан биргаликда шундай установканинг тажриба намунаси яратилди.

Бошқа мамлакатларда яратилаётган шундай установкаларга нисбатан бунда газ горелкаси принципи билан ишлайдиган стирлинг мотори қўлланган. Бу моторнинг танлаб олиниши бежиз эмас: фойдали иш коэффициенти баланд — 40 процентгача боради, шовқин чиқармайди ва ғоятда тежамли. Икки мамлакат олимлари иш камерасини пухта герметиклаштиришга муваффақ бўлдилар. (ЎзТАГ).

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ҲАЁТИДАН

СЕССИЯДА МАЪҚУЛЛАНГАЧ

Навбатдаги сессиялардан бирида область Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова ва Қорақўйли қишлоқ Советининг депутати Аҳмад Душабоевларнинг ташаббуслари маъқулланган эди. Улар ўзлари бошчилик қилаётган бригадада ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиб, коллектив аъзоларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни зиммаларига олишган эди. Сессия ташаббусни маъқуллаш билан кифояланмай, уни жойлардаги маҳаллий Советлар фаолиятига кенг жорий қилиш, пахтачилик бригадаларида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш имкониятларидан кенг фойдаланиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Тез кунда кўпгина коллективларда ташаббус издошлари пайдо бўлиб, «кичик чорвачилик фермалари» сони янада кўпайди.

Бўка район Советининг сессияларида маъқулланган кўпгина ташаббус, қабул қилинган қарорлар хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, план топшириқларининг ошириб бажарилишида муҳим роль ўйнамоқда. Сессиялардан бирида район Советининг 13, қишлоқ Советининг 51 ва шаҳар Советининг уч нафар депутати йиллик социалистик мажбуриятларини СССР Конституцияси кунигача бажаришга сўз берган эдилар. Ижроком мазкур халқ вакиллари ташаббусини оммалаштириш юзасидан алоҳида қарор қабул қилиб, ташаббускорлар тажрибасини барча меҳнат коллективларида муҳокама этиш зарурлигини уқтирди.

Натижа кутилганидек бўлди. Районнинг ўнлаб қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналари ишчи-хизматчилари йиллик планни муддатидан илгари адо этиш ҳаракатига қўшилишди. Район Советининг бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган 61 нафар, шаҳар ва қишлоқ Советларининг 360 нафар депутати бу соҳада бошланган социалистик мусобақада ибрат кўрсатдилар. Маҳаллий Совет депутатларидан 32 киши эса беш йиллик топшириқларини уч йилда бажаришга сўз беришди.

Район Советининг сессияларида 1983 йилнинг биринчи ярмида 55 та масала муҳокама қилинди. Улар юзасидан иқтисодий ва социал ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ кўпгина қарорлар қабул қилинди. Қарорлар ижроси мунтазам назоратда.

Сессияларда кўпгина доимий комиссиялар ҳисоботи ҳам тингланиб, тажрибалари маъқулланаяпти. Масалан, халқ маорифи ва маданият бўйича комиссиянинг ишлари икки марта кўриб чиқилди. Унинг жойлардаги маориф муассасалари фаолиятини активлаштириш юзасидан тўпланган тажрибаси бошқа доимий комиссияларга ибрат қилиб кўрсатилди. Киров қишлоқ Совети депутатларининг нарядсиз система асосида ишлаш тўғрисидаги таклифи ҳам дастлаб район Советининг сессиясида маъқулланган эди.

Депутатларнинг таклиф ва мулоҳазалари, ижроия комитет кенгашларида қабул қилинган қарорлар ижроси ҳам айрим сессияларда алоҳида масала сифатида қараб чиқилмоқда. Халқ вакилларининг ўз сайловчилари олдида ҳисоб бериб боришини ташкил этиш ҳам доимий равишда кун тартибида турипти. Ана шунинг натижасида ҳозиргача 595 нафар депутат ўзларига ишонч билдирилган сайлов округлари вакиллари, меҳнат коллективларининг аъзолари билан учрашдилар. Масъулиятни чуқур ҳис қилиш туфайли ҳозиргача депутатларга билдирилган наказларнинг қарийб ярми амалга оширилди. Улар асосида кўпгина аҳоли пунктларида маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, турар-жой бинолари қурилди. Медицина, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш яхшиланди. Гражданларнинг хат ва аризалари билан ишлаш ҳамда уларни қабул қилиш кўнгилдагидек йўлга қўйилмоқда.

Доимий комиссияларнинг хўжалик ва социал-маданий қурилиш соҳасидаги камчиликларни тугаллаш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовордир. Сессияларда улар тайёрлаган турли масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилиниб, ижроси назоратга олинмоқда. Сўнгги ярим йил давомида мавжуд 10 та доимий комиссия аъзолари ёрдамида 113 та масала тайёрланганлиги, уларнинг 34 таси турли сессиялар ва ижроком йиғилишлари кун тартибига киритилганлиги фикримизнинг далилидир. Улар маъқулланган, ижроком фаолиятининг йўналишида алоҳида ҳисобга олинади.

А. БОБОБЕКОВ.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

ҚУТЛОВ

Эргаш ака билан ҳамсуҳбат бўлган кишининг дили яйрайди. Унинг мулойим чеҳраси, сермаъно кўзларида ҳаётга, одамларга бўлган меҳр, муҳаббат туйғуси шундоққина ёлқинланиб туради. Умр йўли сермазмун, ҳавас қилса арзигудек. Педагогликнинг сермашаққат сўқмоқларидан сабот ва ирода билан бориб биргина Бекобод районида эмас, областимизда ҳам обрў-эътибор топди. Кейин Э. Маҳкамовни шонли партиямиз ўз сафида тобламоқда. У республикамизнинг турли областларидаги партия ҳамда совет ташкилотларида масъул лавозимларда ишлади. Эргаш Маҳкамовичнинг Бекобод металлургия комбинати, Фарҳод ГЭСи қурилишларидаги ташкилотчилиги, меҳнатсеварлиги, фидокорлиги унинг ҳаёт дафтарини безади. Кейинчалик у яна маорифчилар сафига қайтди. Мактаб директори, Бекобод район, сўнгра Бекобод шаҳар халқ маорифи бўлимларининг мудири сифатида ҳурмат қозонди. Бу соҳада Эргаш Маҳкамов ўзининг бутун кучи, ғайрати, билими, маҳоратини илм-маърифатни равнақ топтириш, ўқитувчи кадрлар сафини малакали педагоглар ҳисобига мустаҳкамлаш, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга бағишлади. У мактабларда меҳнат ва эстетик тарбияни кенг йўлга қўйишнинг ташаббускори бўлди. Ўқув дарғоҳлари билан колхоз, совхоз, завод ҳамда фабрикалар ҳамкорлигини мустаҳкамлади.

Эргаш Маҳкамовичнинг Бекобод шаҳри ва районида янги мактаблар қуриш, уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари ҳам катта. Моҳир педагогнинг таржимаи ҳолига назар солган киши унинг партия қайси ишни лозим деб топса, шу ишни ҳалол ва шараф билан бажарганлигининг гувоҳи бўлади. Каналлар қазиш, ГЭСлар қуришда бой тажриба орттирган зиёкорнинг фаолиятида эришди. Ҳозир унинг беш фарзандидан икки нафари фан кандидати. Фарзандлари ҳам етмиш ёшли оталарини меҳрибон, ғамхўр, талабчан ва ҳар ишда намуна оила бошлиги сифатида чин дилдан ҳурмат қиладилар. Унинг захматкашлиги, катта обрў эгаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ажойиб бунёдкор, район Советининг депутати эканлиги билан фахрланадилар.

Ҳукуматимиз Эргаш Маҳкамовични Меҳнат Қизил Байроқ ордени, бир неча медаллар билан тақдирлаган. У Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан ҳам мукофотланган.

Кўриниб турибдики, Э. Маҳкамов босиб ўтган йўл ранон ва беғубордир. Бундай кишилар ҳаёт йўли бошқалар учун ибратдир.

У. ТЎЙЧИЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» ихтисослаштирилган шоликорлик совхозидан Андрей Ли бригадаси бу йил гектар бошига 90 центнердан шоли етиштирди. Шолини парвариш қилиш комплекс механизациялаштирилганлиги, барча агротехника тадбирлари пухта ўтказилганлиги туфайли шундай натижага эришилди. Бригада мавсумни муваффақиятли ўтказиб, шоли нобудгарчилигига йўл қўймади. Азимқул Жумантоев, Қундуз Эсонтурдиев, Яков Юн бригадаларн ҳам мўл шоли ҳосили олдилар.

Совхоз механизаторлари бу йилги мавсумда зарбдорларча ишладилар. Уларнинг ҳаммаси шоли ўрим-йиғимида мавсум нормаларини муваффақиятли адо этдилар.

Хўжалик меҳнаткашлари ҳозиргача давлатга шоли топшириш мажбуриятини бажариб қўйдилар.

(ЎзТАГ мухбири).



● ҒАЗАЛКЕНТ консерва заводи ишчи-хизматчилари республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига жавобан пахтакорларга амалий ёрдам бермоқдалар. Ҳашарчилар қўмагидан Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози қўллективи мамнун бўлаётир. Завод ишчиларидан Марҳамат Бобоева ва Фотима Симукова ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилиб, колхоз хирмонига ўртача 50 килограммдан пахта териб тўкмоқдалар.

В. Портнов фотоси.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

ҒУЖУМИДАН БОЛ ТОМАДИ

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг 14-бригадасига бир неча йилдан буён тажрибали соҳибкор Бегмат ака Мирзажонов раҳбарлик қилади. Унинг маҳорати ва коллектив аъзоларининг куч-ғайрати туфайли ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган йили 26 гектар узумзорнинг ҳар гектаридан 10 тоннадан ҳосил олинган эди.

— Бу йилги ҳосил чўғи ҳам мўл, — дейди Б. Мирзажонов. — Бригадамиз ветеранлари: 80 ёшли Комилжон ота Мамарасулов, 70 ёшли Тўлаган ота Мажидовларнинг йўл-йўриқ ва маслаҳатларига тўлиқ амал қилганлигимиз, ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида сифатли ўтказилганлиги натижасида узумзорларимиз биздан ўз еҳсоватини аямади...

Бригадада 15 хил навли узум етиштирилади. Жумладан, машҳур Паркент соҳиби, Тоифи, Каттақўрғон, Чарос навли узумлар яхши ҳосилга кирди. Шу туфайли давлатга узум топшириш йиллик плани муддатидан анча илгари 23 сентябрь куни бажарилди. Шаҳарликлар дастурхонига 150 тонна, Янги Тошкент консерва комбинатига 83 тонна узум жўнатилди. Соҳибкорлар ғайратни бўшаштирмай орқадан икки кун ўтгач, зиммаларидаги социалистик мажбуриятни ҳам адо этдилар.

Бригада коллективига етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда Тошкент кооператив техникумининг савдони ташкил этиш ва бошқариш бўлими студентлари яқиндан ёрдам бердилар. С. Бекмонов, Ҳ. Эргашева, З. Алибоев, ва Ш. Ёқубова сингари талабаларнинг куч-ғайрати билан ҳар куни 6—7 тоннагача узум териб топширилди. Умуман, уларнинг ёрдами билан 120 тоннага яқин узум териб олиниб, савдо шахобчаларига жўнатилди.

Соҳибкорлар мавсум охиригача узум ҳосилдорлигини 120 центнерга етказиш ва йиллик планни 150 процент қилиб адо этиш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар.

Б. АҲМЕДОВ.

БАРЧА СОҲАДА ЎРНАК

«ХАСКОВО» совхози Калинин районидаги йирик хўжаликлардан бири. Совхоз меҳнаткашлари йилдан-йилга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб бормоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида тасдиқланган Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашни янада авж олдириб юборган совхоз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили юзасидан белгиланган планларни ҳам муддатидан илгари бажардилар.

Эл дастурхонига 9200 тоннадан ортиқ сабзавот, 3605 тонна картошка, 250 тонна мева, 43 тонна дон етказиб берилди. Йиллик марра эгалланган бўлса-да, хўжаликнинг сабзавот майдонларида иш суръати бир дам ҳам пасаймаяпти. Деҳқонлар кечки экинларни йиғиштириб олиш билан биргаликда кузги сабзавот экишни қизғин давом эттиришяпти. Миришкорлар кечки сабзавот экинлари ҳисобига давлатга яна 900 тонна картошка, 3 минг тонна сабзавот етказиб беришга аҳд қилишди.

Чорвадорлар эришаётган ютуқлар ҳам қувончли бўлаётир. Масалан, 67 тонна гўшт етиштирилиб, бу соҳадаги йиллик план саккиз ойдаёқ шараф билан бажарилди. Сут етиштириш бўйича совхоз район хўжаликлари ўртасида пешқадамлар сафида бораётир.

Ҳар бир вазифага онгли интизом ва масъулият билан ёндошиш, тадбиркорлик билан иш юритиш хўжаликда ҳамма соҳада юксак натижаларни қўлга киритиш имконини бераётир.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

ТАШАББУСКОРЛАР ДАЛАСИДА

ТОНГ САҲАРЛАБ ЙИҒИМ-ТЕРИМ ИШЛАРИ КЕТАЁТГАН ПАХТАЗОРЛАРНИ АЙЛАНИБ ЧИҚҚАН

Тўхтамурод ака тушга яқин дала шийпонига қайтди. Шийпон атрофига экилган помидор ва турли кўкатлардан олиб чиқаётган ошпаз Йўлдош ота Усмонов у билан саломлашркан:

— Ҳа, ўртоқ бригадир, далада ҳаяллаб қолдингиз, — дея ҳазиллашди.

Хушчақчақ бу одамнинг ҳазилига бригадир мийиғида кулиб қўйди-да:

— Тушлик тайёрми? — деб сўради.

— Ўн минутда қиёмига етади, унгача шакароп тайёрлаб қўяй девдим,— деди қўлидаги масаллиққа ишора қилиб ошпаз.

Бригадир ошхонадан шийпон томон бурилди. Саранжом-сариштa йиғиштирилган шийпонга кираверишга қўл ювгичлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг ёнига тоза сочиқлар осилган, кишиларнинг шахсий гигиенаси учун керакли бошқа нарсалар ҳам мавжуд. Ичкарига эса атлас кўрпачалар тўшалиб, дастурхонлар солинган эди. Тўхтамурод Имонқулов бир чеккага ўтирар экан, ошпазнинг ишларидан кўнгли тўқлигини яна бир карра дилдан ҳис қилди. У ўз вазифасини виждонан ўтаётганлигидан қувонди.

Тушлик тайёр бўлгунча бригадир янги келган газета ва журналларни варақлаб, кўздан кечира бошлади. Ундаги область, республика матбуот марказлари хабарларини ўқирkан ҳаёллари яна бригадада амалга оширилаётган ишлар уммонига ғарқ бўлди...

Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг Тўхтамурод Имонқулов бошлиқ бригадаси коллективи бу йил мавжуд 60 гектар майдондан 50 центнердан ҳосил олиш учун астойдил ҳаракат қилаяпти. Шунингдек, мазкур бригада аъзолари областимизнинг бир группа ташаббускор бригада бошлиқлари изидан бориб, дала шийпонида ёрдамчи хўжалик ташкил этишган. Эрта баҳордан бу ерда боқилган 8 бош қорамол ҳисобидан шу кунгача истеъмолдан ортиқча 3 тонна гўшт далвтага топширилди. Йил охиригача эса бригада аъзолари яна 2 тонна гўшт сотишмоқчи.

Ташаббускор бўлиш, илғорлар сафида бориш кимни қувонтирмайди, дейсиз. 1981 йил ҳар гектар ердан 46,2 центнердан, ўтган йили пахтакорлар учун ниҳоятда оғир келган шароитда эса 43,4 центнердан ҳосил олишга эришган бригадада ҳали фойдаланилмаётган, тўла ишга солинмаётган резерв ва имкониятлар талайгина эди. Бригадир коллектив аъзолари билан шулар хусусида маслаҳатлашиб олди. Барча бир овоздан унинг сўзларини маъқуллади.

Бироқ бу йилги об-ҳаво шароити ҳам... 27 мартдан

ҲАР КУННИНГ ЎЗ САЛМОҒИ БОР

ЛАВҲА

ерга қадалган чигит сув берилган ҳолда ундириб олинди. Шундан сўнг кетма-кет ёққан ёмғир эса ишни янада мушкуллаштирди. Бегона ўтларнинг кўпайиши, ғўзаларда илдиз чириш касаллиги пайдо бўлиш хавфи туғилди. Шунда барча куч ғўза парваришига қаратилди. Илдиз чириш касаллигининг олдини олиш учун культивацияга зўр берилди. Айниқса, участка механиги Бўлисбек Абдурасулов, механик ёрдамчиси Барат Бердиёров, бригада механизаторлари Илёс Пўлатов ва Абдумалик Жўраевларнинг тадбиркорликлари ана шу пайтда жуда қўл келди. Улар томонидан тайёрланган мослама — культивация механизмлари ёнига уланувчи ва ернинг намини қочиришга ёрдам берадиган механизмлар кенг қўламда ишлатилди.

Йил бўйи олти марта комплекс ишлов берилиб, тўрт марта минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдирилган гўза ниҳолларида кузга келиб мўл ҳосил тўпланди. Ҳозир бригада аъзоларининг олдида турган энг муҳим вазифа етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришдан иборатдир.

Бригадир ана шулар ҳақида ўйлаяпти. Уни ҳозир ташвишга солаётган нарса куз об-ҳавосининг беқарорлигидир. Зеро, яқинда матбуотда эълон қилинган республикамиз партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатида айтилганидек «Эрта-индин об-ҳаво айниб, ёмғир ёғиши, совуқ бошланиши, қор тушиши мумкин. Ҳосилни имкони борича тезроқ териб олиш, очиқ келган ҳар кун ва соатдан ғоят унумли фойдаланиш — ҳозир республикадаги ҳар бир кишининг энг муҳим ва энг масъулиятли вазифасидир!». Шунинг учун ҳам ҳозирги ғанимат кунларда бригада коллективининг бутун кучи пахта йиғим-теримига қаратилган. Иккита терим агрегати, бир транспорт трактори ва 8 прицеп ипатоволиклар методи асосида ишлатилмоқда. Мавсумда ҳар бирлари 150 тоннадан пахта теришга сўз берган бригада механизаторлари А. Жўраев ҳамда Н. Пўлатовлар биринчи теримда кунига «зангори кема» бункеридан 8—10 тоннадан «оқ олтин» тўкишди. Ҳозир улар 4—5 тоннадан пахта теришмоқда.

Бригадада машиналар унумдорлигини ошириш билан бирга қўл теримига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Коллективнинг 70 га яқин аъзоси пахта теримида иштирок этяпти. Равила Эстекеева ,Раъно Тошпўлатова, Нигора Нишонбоева, Малика Абдуллаева, Маърифат Мамажонова, Сажа Олтибоева ва Ойша Ҳамроевалар кунига хирмонга 120—150 килограммдан ошириб пахта тўкишяпти. Бригада аъзоларининг уюшқоқликлари, ғайрат-шижоатлари туфайли кундан кунга терим суръати ортиб бормоқда. Кўзланган марра тобора яқинлашмоқда.

Дала шийпонида меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам барча шароитлар яратилган. Радио, телевизор, холодильник бор. Ҳар куни пахтакорлар учун икки маҳал иссиқ овқат, чой тайёрланади, шийпондан узоқда ишлаётганлар учун махсус идишларда далага келтирилади. Булардан ташқари «Чақмоқ», «Бонг» варақалари мунтазам чиқариб борилмоқда.

Буларда «Улар яхши ишлашяпти», «Булар бизни уялтиришяпти» деган доимий рубрикалар бор. У ерга ёзиладиган фамилиялар ҳар кунги ишдан сўнг маълум бўлади. Механизаторлар ва теримчилар ўртасидаги социалистик мусобақа ҳам ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда...

Бирин-кетин шийпон томон пахтазорлардан чиқиб келаётган теримчи қиз-жувонларнинг шодон кулгуси бригадирнинг хаёлларини бўлди. Улар юз-қўлларини ювгач шийпонда ўзлари учун ҳозирланган жойдан ўрин ола бошлашди. Саломаликдан сўнг бригадирдан ҳол-аҳвол сўраган бўлишди. Тўхтамурод ака тушгача ким қанча пахта тергани билан қизиқди. Суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, аъзоларнинг энг кам тергани 50 килограмм, энг кўпи эса 80 килограммга етибди.

— Хавотир олманг. Ўртоқ бригадир, бугун ҳам нормани бир ярим, икки ҳисса бажарамиз, — дейишди бир овоздан кўпчилик.

Тўхтамурод аканинг қизжувонлардан ҳам кўнгли тўлди. Ана шундай қалби оташ аъзолари билан зиммага олинган юксак мажбуриятни шараф билан бажаришга яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Қ. КАРИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

АГИТБРИГАДА ПАХТАЗОРДА

Тошкент область партия комитетининг агитбригадаси областимиз пахтазорларида бўлиб йиғим-терим социалистик мусобақасида голибликни қўлдан бермаётган хўжалик механизаторларига маданий хизмат кўрсатмоқда.

Агитбригада составида Тошкент агрегат заводининг Р. Турсунов раҳбарлигидаги халқ чолғу асбоблари ва Г. Ниякин раҳбарлигидаги вокал-чолғу асбоблари ансамбллари бор. Улар ижро этган дилрабо куй, қўшиқ ва рақслар колхозчиларни янада унумли ишлашга ундамоқда.

Шунингдек, область «Билим» жамиятининг лектори, фалсафа фанлари кандидати П. Ҳамидов, шоир С. Қўқонбеков, юридик фанлари кандидати Ф. Маҳмудовларнинг қизиқарли суҳбатлари ҳам барчага манзур бўлмоқда.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР санъат музейи катта илмий ходими.

БАРАКАЛИ БЎЛМОҚДА

Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз пахтакорларига Чирчиқ индустриал техникуми ва Тошкент шаҳрининг Ленин районидаги ишлаб чиқариш ташкилотлари, муассасаларининг ишчи ва ҳизматчилари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Куни кеча бир группа илғор ҳашарчиларга область комсомол комитетининг фахрий ёрлиқлари топширилди. Улар орасида 60-ўрта мактабнинг ўқитувчиларидан Л. Анорбоева, Ш. Отажонова, Г .Абдураззоқовалар бор.

Р. ОРИПОВ,
жамоатчи мухбир.

Халқаро ҳаёт

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТИ

ВАРШАВА, 18 октябрь. (ТАСС). ПАП агентлиги ПБИП Марказий Комитетининг поляк халқига мурожаати текстини эълон қилди. ПБИП Марказий Комитетининг 13-пленумида қабул қилинган мурожаатда шундай дейилади:

Польша Бирлашган ишчи партиясининг Марказий Комитети халқаро вазият тинчлик тақдири учун хатарли тарзда ривожланаётганлигига поляк жамоатчилиги эътиборини жалб этади. АҚШ ва унинг НАТОдаги асосий иттифоқчилари қуролланиш пойгасини кучайтиришга қаратилган тадбирларни кўрмоқдалар, ядро ҳалокати хавфи ўсмоқда, Европа халқларининг осойишта ҳаётини тобора хавф-хатар остида қолдирмоқда.

Куч ишлатиш ва зўравонлик қилишга қаратилган империалистик сиёсат, янги кескинлик манбаларини авж олдириш, социалистик мамлакатларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашиш — бузғунларнинг ҳаммаси тинч-тотув яшаш ва кескинликни юмшатиш сиёсати ўрнини эгалламоқда. Ҳарбий васвасани қучайтираётганлигига поляк жамоатчилиги эътиборини жалб этади. АҚШ ва унинг НАТОдаги асосий иттифоқчилари қуролланиш пойгасини кучайтиришга қаратилган тадбирларни кўрмоқдалар, ядро ҳалокати хавфи ўсмоқда, Европа халқларининг осойишта ҳаётини тобора хавф-хатар остида қолдирмоқда.

Зўр бериб қуролланиш пойгасидан мақсад,— деб уқтирилади мурожаатда,— АҚШ ва иттифоқчиларининг Совет Иттифоқига ва Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа мамлакатларга нисбатан ҳарбий устунликка эришишдан иборат. Империалистлар Ғарбий Европадаги бир қанча давлатлар, жумладан ГФР территориясида Американинг янги ядро ракеталарини жойлаштириш ёрдамида мавжуд қучлар мувозанатини бузишга интилмоқдалар.

Ҳарбий дўқ-пўписа, дейилади сўнгра мурожаатда, ҳозирги вақтда АҚШнинг идеология, сиёсат ва экономикани қамраб олган муҳолифлик йўлининг ажралмас қисмидир. АҚШ ҳукумати социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги билан муҳолифлик йўлига ўтиб, айниқса ашаддий ҳужум қилиш мақсадида халқ Польшасини танлади.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Европада кучлар мувозанатини сақлаш мақсадида тегишли тадбирларни кўражакларини айтдилар. СССР ва унинг иттифоқчилари бу мажбурий тадбирнинг моддий, сиёсий ва маънавий оқибатларини назарда тутиб, музокаралар олиб бориш зарурлигини айтмоқдалар. Мазкур музокараларнинг натижалари барча мамлакатларга баббаравар тарзда хавфсизлик туйғусини таъминлаши ва қуролланиш пойгасига чек қўйишни бошлаб бериши зарур.

ПБИП Марказий Комитети поляк ишчилар синфига, барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, уларни империалистларнинг қуролланиш сиёсатига нисбатан сергак бўлишга, бутун дунёда тинчликка таҳдид солаётган барча кучларга қатъиян қарши туришга даъват этади. Бизлар жаҳонни ядро ҳалокати гирдобига тортиш йўлидаги телбаларча уринишларга тинчликни сақлаб қолиш учун курашда поляк халқининг бирлигини қарама-қарши қўйишимиз зарур, деб таъкидланади мурожаатда.

ПБИП Марказий Комитети Қўшма Штатларнинг Европада ядро қуролининг янги турларини жойлаштиришга қарши чиқадиган барча кишиларни қўллаб-қувватлаяжагини билдиради.

●

«Кўп миллатли кучлар» деб аталувчи ҳарбий қўшинларнинг Ливанда мавжудлиги бу мамлакатдаги аҳволни нормаллаштириш, умуман бутун Яқин Шарқдаги можарони адолатли ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда, дейилади Сурия радиосининг шарҳида. Империалистик давлатлар, биринчи навбатда АҚШ ўз контингентларини Ливанга киритиб, ўз манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар, араб мамлакатларида миллий-озодлик кураши кучайишининг олдини олишга интилмоқдалар. «Таймс» журналидан олинган мазкур суратда Байрутдаги Америка денгиз пиёдачилари артиллериясини кўриб турибсиз.


ТАСС фотохроникаси.

БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ

МАНАГУА. (ТАСС). Бу ерда Лотин Америкасининг империализмга қарши трибунали тантанали мажлисининг очилиши Рейган маъмурияти авж олдирган жинояткорона агрессияга қарши Никарагуа халқи олиб бораётган кураш билан бирдамликнинг ёрқин намойишига айланди. «Тинчлик учун, империалистик интервенцияга қарши кураш» шиори остида ўтказилаётган мажлис қитъадаги таниқли сиёсий арбоблар ва зиёлиларнинг вакилларини бирлаштирган мазкур тараққийпарвар ташкилот юзага келган кунининг икки йиллигига бағишланган.

Жаҳондаги барча революцион, тараққийпарвар кучлар Никарагуага қарши Америка агрессиясини жиловлаш учун олиб борилаётган курашда иштирок этишлари лозим, деди империализмга қарши трибунал раиси Гильермо Ториэльо. Региондаги реакцион кучлар билан тил бириктираётган Рейган маъмурияти ўзи Никарагуа халқига қарши эълон қилган разил урушни авж олдириш йўлидан бормоқда. АҚШ Марказий Америкага ўзининг ҳарбий кемаларини юборди. Бу кемалар Никарагуа атрофини қуршаб олиб, региондаги барча халқлар суверенитетига хавф солмоқда. Г. Ториэльо Никарагуа ҳукуматининг Вашингтон маъмурияти вужудга келтирган хатарли вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган куч-ғайратларини қўллаб-қувватлаймиз, деди.

Америка элчилари Никарагуа «президентларини» тайинлайдиган ва алмаштирадиган даврлар ўтиб кетди, деди трибуналнинг тантанали мажлисида Никарагуа миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзоси Рафаэль Кордова Ривас. Оқ уй Никарагуа халқи ўз мустақиллиги ва миллий суверенитетини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қарор берганлигини аллақачон тушуниб етадиган пайт келди.



● БОЛГАРИЯ Халқ Республикасида совет геофизиклари методикаси асосида ташкил этилган дўлдан сақланиш миллий системаси ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаб турипти. Совет техникаси ўрнатилган 9 та полигонда 900 минг гектар ердаги экинзорлар муҳофаза қилинмоқда. Суратда: Пловдив округида ўрнатилган дўлга қарши кураш олиб бориш учун мўлжалланган ракета қурилмаси.

БТА—ТАСС фотоси.

ЧУҚУР МИННАТДОРЧИЛИК

ТУНИС. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан Жумин дарёсида тўғон қуриш лойиҳасини амалга ошириш-да қатнашган бир группа совет мутахассисларига Тунис ҳукуматининг мукофотлари топширилди.

Таъминот министри М. Сайяҳ мукофотларни топшириб, мамлакатни сув билан таъминлаш проблемасини ҳал этишда кўмаклашганлиги учун Совет Иттифоқига миннатдорчилик билдирди. Тунис халқи ва ҳукумати, деди у, Тунис экономикасини ривожлантириш ишига СССР муҳим ҳисса қўшаётганлигини таъкидлаб ўтади. Тунис вакили ўз мамлакатининг СССР билан алоқани янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ниятида эканлигини айтди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● КАНБЕРРА

Австралиянинг Виктория штатида кучли жала ёғди. Биргина Мельбурун районида икки кун давомида 110 миллиметр ёмғир ёғди. Штатнинг бир қанча районларидаги автомагистралларда ҳаракат тўхтаб қолди, энергия таъминоти бузилди, телефон алоқаси узилди. Сув тошқини оқими 300 дан кўпроқ кишининг уй-жойини вайрон қилгандан кейин улар бошқа жойларга кўчирилди.

Миллий об-ҳаво бюроси жаланинг давом этишини билдирди.

● КОТОНУ

Юқори Вольта революцияси миллий кенгашининг раиси Т. Санкара бундай деди:

Халқаро империализм ёш Вольта революциясига қарши ўзининг молиявий, ҳарбий ва дипломатик ресурсларини сафарбар этмоқда. У Фадан-Гурма шаҳрида ўтказилган оммавий митингда нутқ сўзлаб, мамлакат халқини, революцияни ҳимоя қилиш комитетининг аъзоларини империализм ва реакция агентларининг мамлакатни революцион тараққиёт йўлидан тойдириш йўлидаги уринишлари олдида имкони борича кўпроқ ҳушёрлик кўрсатишга даъват этди.

● ЛОНДОН. Пойтахт метросининг ўн минглаб пассажирлари ишга ўз вақтида бора олмадилар ва бир неча соат давомида ер остида қолиб кетишга мажбур бўлдилар. Лондондаги бутун метрополитенни аслида электр энергияси билан таъминлаб турган электростанцияда авария юз берганлиги сабабли эрталаб транспортда кўп киши қатнайдиган пайтда барча асосий линиялардаги поездлар тўхтаб қолди, эскаляторлар ва лифтлар ишламай қўйди.

Бу — 1906 йилда қурилган электростанцияда рўй берган биринчи катта авария эмас. 1979 йилда 200 дан зиёд поезд пассажирлари ер остида анча вақт қолиб кетди. Катта Лондон кенгаши пойтахт метросини энергия билан таъминлаш системасини модернизация қилиш учун ажратилаётган маблағларни кўпайтиришни ҳукуматдан кўп марта талаб қилди, лекин ҳар сафар рад жавобини олди.

● ОТТАВА. Канададаги унча катта бўлмаган Гранвальд шаҳрининг аҳолиси маъмурлар билан курашда ғалабага эришди. Бу шаҳарда катта ёшдаги аҳолининг 80 проценти ишсиздир. Меҳнат қилиш ҳуқуқи учун бўлиб ўтган катта намойишдан кейин Квебек вилоятининг ҳукумати шу шаҳардаги ягона корхона-давлат ёғоч тилиш заводини модернизациялаш ва уни яна очиш тўғрисида ваъда берди. 11 кун давом этган бу намойиш матбуот, телевидение ва парламент эътиборини ўзига жалб этган эди.

(ТАСС).

ЭКСТРЕМИСТЛАРНИНГ ҚОНЛИ ҲУРУЖЛАРИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС мухбири). Ҳиндистоннинг Панжоб штатида ўрнашиб олган экстремистлар янги қонли ҳужумлар қилдилар. Улар Амритсар ва Лудхиян кўчаларида гранаталар портлатдилар, ўлдирилган ва жароҳатланганлар бор. Чандигархдан сал нарида уч нафар террорчи полиция вакилларига қарата ўқ узди. Натижада инспектор ўринбосари Амар Сингх ҳалок бўлди. Кейинги етти кун ичида Панжобда жами ўн киши босмачиларнинг қурбони бўлди. Террорчилик фаолиятини штатдан ташқарига ёйишга ҳам уриниб кўрилди. Деҳлида бир неча бомба портлади.

Бу ерда гап АҚШ ва Покистоннинг махсус хизматлари синчиклаб режалаштирган ва Ҳиндистонни заифлаштиришга, унинг миллий бирлигини барбод этишга қаратилган фитна тўғрисида бораётганлигига шубҳа йўқ, деб ёзади маҳаллий матбуот. Ҳиндистон миллий конгресси Умумҳиндистон комитетининг Бош секретари, парламент аъзоси Ражив Ганди Ражастон штатининг Ганганагар шаҳрида бўлган митингда сўзлаб, кейинги пайтларда шу штатга суқилиб кирган чет эл агентлари Панжобда уруғ-ниқитлар чиқишига жавобгардир, деди.

Буни тасдиқловчи фактлар жуда кўп. Ҳукумат доираларига яқин «Нэшнл геральд» газетаси ишончли манбаларга суяниб хабар қилишича, ҳозирги вақтда панжоблик бир неча юз террорчи исломободлик инструкторлар раҳбарлигида тайёргарликдан ўтмоқда. Экстремистлар Покистондан қурол-яроғ, ўқ-дори, пул олиб турибдилар.

Панжобда вазиятнинг айни ҳозирги кескинлашган даврида Покистон матбуоти АҚШ билан Англияда паноҳ топган ва ҳомийлик кўраётган панжоблик сепаратчиларнинг бошлиғи, ўзи йўқ Холистон давлатининг сохта президенти Ж. С. Чауханнинг гояларини тарғибот қилаётганлиги бежиз эмас. ПТИ агентлигининг хабар беришича, Покистонда чиқадиган «Жанг» газетаси ўша кимсанинг Ҳиндистонга қарши уйдирмаларини биринчи саҳифада эълон қилган.

А. ВИНОГРАДОВ.

А.П.БОРОДИН НОМИДАГИ КОНКУРСДА

Узбекистондан икки ижодий коллектив — Ўзбекистон Давлат филармонияси ва Тошкент Давлат консерваториясининг квартетлари А. П. Бородин туғилган кунининг 150 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган чолғу асбоблари квартетларининг Бутуниттифоқ конкурсида қатнашишга таклиф этилди.

Филармониянинг квартети ташкил этилганига уч йил тўлди. Квартет созандалари, Тошкент консерваториясининг талабалари М. Турдиев, А. Азизов, В. Ҳолиқулов, А. Аҳмадиева давлат коллекциясидаги музыка асбобларини чалиш фахрий ҳуқуқига эга бўлдилар.

Консерватория квартетига эса конкурсга жўнаб кетиш олдидан олий ўқув юртининг ўзида ўтказилган конкурсда қатнашишга тўғри келди. Квартет составида аспирант З. Мансурова, студентлардан А. Каримов, У. Рихсиев, А. Сапаев бор. Ана шу олий ўқув юрти студентлари бир неча чолғу асбоблари квартетларининг мусобақасида қатнашиши ҳуқуқи учун мусобақалашдилар. Конкурс 17 октябрь куни Таллинда очилди. Шу куни тошкентлик дирижёр, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғани Тўлаганов ҳам жюри составидан жой олди.

(ЎзТАГ).





● ПОЙТАХТНИНГ Акмал Икромов районидаги Зиё Саид кўчасида янги магазин қуриб фойдаланишга топширилди. «Ташплодоовощ»га қарашли бу савдо шохобчасида ҳар куни сархил сабзавот ва мевалар харид қилиш мумкин. Суратларда: магазиннинг умумий кўриниши; сотувчи М. Каримжонова харидорларга хизмат кўрсатмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

«КЛУБЛАР ВА ҲАЁТ» КЎРГАЗМАСИ

ҒОЛИБЛАР ТАЖРИБАСИ

Ўтган йили Москва шаҳридаги М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғи коллективи СССР ташкил топган кунининг 60 йиллигини зўр шодиёна билан нишонлади. Театрлаштирилган байрамларда, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишларида, оммавий сайлларда, учрашувларда улуғвор Ватанимиз, унинг меҳнаткаш кишилари шарафланди...

Тошкентдаги А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида очилган «Клублар ва ҳаёт» кўргазмаси экспонатларидан бир қисми ана шулар ҳақида ҳикоя қилади. Иттифоқимизнинг етакчи боғ ва клубларида ўтказилган тадбирларнинг сценарийлари, агитбригадаларининг иш планлари, фотосуратлар тўпланган илғор тажрибаларни яққол кўрсатиб турипти. Кўргазма қатнашчиларининг барчаси маданий-оқартув муассасалари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолибидир.

Литва, Латвия, Украина республикаларидаги, Москва, Ленинград шаҳарларидаги боғ ва клубларда тўпланган илғор тажриба кўпчилик диққат-эътиборини ўзига жалб қилаётир.

А. ЭШОНҚУЛОВА.

ИШЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

15 ХИЛДАН КЎП

«ТАШСЕЛЬМАШ» заводида хизмат доираси ишлаб чиқаришга ғоятда яқинлаштирилди. Бу ерда маиший хизмат қабул пункти очилди. Дарвозахона ёнида устахоналар қурилди. Бу ерда корхона меҳнаткашлари кўйилган намуналарга мувофиқ трикотаж буюмлар тайёрлашга, кийим-кечак, модел пойабзал тикишга буюртма беришлари мумкин. Шу ернинг ўзида кийим-кечакни химия йўли билан тозалашга, кирхонага топшириш, телевизор, холодильник, бошқа рўзғор асбобларини ремонт қиладиган устани уйга чақириш мумкин. Завод касаба союз комитетининг ташаббуси билан бу ерда барпо этилган «Ташкентский сервис», «Янгилик» трикотаж фирмаси, бошқа маиший хизмат корхоналарининг комплекс пункти ўн беш хилдан кўп хизмат турларини таклиф этмоқда.

Завод маиший хизмат корхоналари билан шартнома тузибгина қолмай, уларга бинолар ҳам ажратиб берди, зарур асбоб-ускуналар билан таъминлади.

— Комплекс ишлай бошлаши билан коллективда одамларнинг маъмурият розилиги билан ишдан рухсат сўрашлари ғоятда камайди, — деди завод касаба союз комитетининг раиси И. В. Самарцев.— Ишчи тушлик танаффусда ёки сменадан кейин маиший хизматлардан фойдалана оладиган бўлгач, энди шаҳар бўйлаб кезиб, навбатларда туриб юришига эҳтиёж қолмади.

(ЎзТАГ мухбири).

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙЛАБ

ХУШХАБАРЛАР

● МЎЛ ҲОСИЛЛИ ДАЛА. Гулистон районидаги «Октябрь» колхозидан Жаббор Ғаппаров бошлиқ бригада бу йил мўл беда ҳосили ўриб олди. Бригадада гектар бошига 230 центнер пичан тайёрланди. Бу эса планда белгиланганидан икки баравар кўпдир. Бригада далаларида беда ўриш давом этмоқда. Ҳар гектар ердан яна 20 центнер пичан тайёрлашга қарор қилинди.

● ПОЛИЗЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ. Балиқчи районидаги М. Горький номли совхозидан М. Уралов бошлиқ полизчилар бригадаси бу йил зўр ғайрат билан меҳнат қилди. Бригада вакилларидан давлатга 1200 тоннадан кўпроқ шарин-шакар қовун ва тарвуз топширдилар. Бу — планда белгиланганидан анча кўпдир. Бу муваффақиятга хўжалик ҳисобини жорий этиш туфайли эришилди. Хўжалик ҳисоби полизчиларнинг меҳнатининг пировард натижаларидан манфаатдорлигини оширди.

● ҚИШЛОҚ МЕҲНАТЧИЛАРИ УЧУН. Фарғона районидаги Мингдонобод қишлоғида икки юз ўринга мўлжалланган колхозлараро янги касалхона ишга тушди. Икки қаватли корпусларда энг янги медицина аппаратлари билан жиҳозланган беш бўлим жойлашди. Янги касалхона яқин атрофдаги тўртта колхоз пахтакорларига хизмат қиладиган бўлади.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

20, 21 октябрь, соат 18.30 да

«А» класси биринчи лигасининг «БИНОКОР» (Тошкент) — «Торпедо» (Усть-Каменогорск) КОМАНДАЛАРИ УРТАСИДА

ХОККЕЙ

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин:

КАССА — 46-03-12, 46-70-31;

АДМИНИСТРАТОР — 46-07-53, 46-68-77.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24 октябрь соат 19.30 да

ФОРТЕПЬЯНО КУЙЛАРИ КЕЧАСИ

РСФСРда хизмат кўрсатган артист, халқаро конкурсларнинг лауреати

ВАЛЕРИЙ ВАСИЛЬЕВ ЧАЛАДИ

ПРОГРАММАДА — Бетховен, Лист, Шопен, Мясковский асарлари.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

14 январь — 4 февраль кунлари

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ

КАТТА ТОМОШАЛАРИ

«МУЗ УСТИДА БАЙРАМ»

ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

ПРОГРАММАДА ҚАТНАШАДИЛАР:

Жаҳон ва Европа биринчиликларининг беш карра кумуш медаль совриндори, Олимпиада ўйинларининг кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги СССР спорт мастери

Людмила СМИРНОВА

Олимпиада ўйинлари ва жаҳон, Европа биринчиликларининг тўрт карра чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

Алексей УЛАНОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар: И. ФИЛИППОВА, Л. ЛИТВИНЕНКО, А. ЯКОВЛЕВ; СССР Кубоги эгаси, СССР спорт мастери А. ПОГОДИН ва бошқалар.

БОШ БАЛЕТМЕЙСТЕР — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, балетмейстерларнинг Бутуниттифоқ конкурси лауреати Константин РАССАДИН.

ТОМОШАЛАР: 14, 17, 18, 19, 20, 24, 25, 26, 27, 31 январь, 1, 2, 3 февраль кунлари соат 19.30 да; 15, 21, 22, 28, 29 январь ва 4 февраль кунлари соат 16.30 ва 19.30 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Кассалар ҳар куни соат 14 дан 19.00 гача ишлайди

1 декабрдан бошлаб эса кассалар соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин:

КАССА — 46-03-12, 46-70-31;

АДМИНИСТРАТОР — 46-68-77, 46-07-53.

СПОРТ

● ШАШКА. «Тошкент тонги-83» деб номланган Бутуниттифоқ турнири республикамиз пойтахтида давом этмоқда. Мамлакатимизнинг кучли спортчи қизлари халқаро шашка бўйича ўзаро мусобақалашмоқдалар. Кеча иштирокчилар 6-тур ўйинларини ўтказишди. Беш турдан сўнг минсклик Зоя Садовская турнирда пешқадамлик қилаётир. У беш очко тўплаган. 3,5 очко жамғарган уфалик Татьяна Огородникова иккинчи ўринда бормоқда. Москвалик Алла Брохунова, минсклик Ольга Садовская, ригалик Альбина Эрис ва фарғоналик Зайнаб Сафина ҳисобида 3 тадан очко бор.

● ШАХМАТ. Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг энг кучли мастерликка номзод бўлган 30 шахматчисининг ўзаро кўч синашувлари Тошкентда ниҳоясига етди. Иштирокчилар Швейцария услуби бўйича 9 тадан учрашув ўтказдилар. Тошкентлик Аркадий Блотштейн 7,5 очко тўплаб, турнир ғолиби бўлди. Чимкентлик Александр Перегудов (7 очко) иккинчи ўринни эгаллади. 6,5 очко тўплаган чирчиқлик Яков Гейслер учинчи бўлди.

● ФУТБОЛ. Мамлакат футбол чемпионатининг иккинчи лига еттинчи зона командалари календарь ўйинларини ниҳоясига етказишди. Аввал хабар қилганимиздек, Фарғонанинг «Нефтяник» командаси турнир ғолиби бўлиб, биринчи лигага ўтиш учун курашни давом эттиради. Фрунзенинг «Олға» командаси иккинчи, Самарқандниг «Динамо» командаси учинчи ўринларни эгаллашди.

Халқободнинг «Соҳибкор» командаси сўнгги учрашувни Ўшда маҳаллий «Олой» командаси билан ўтказди ва 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

БУЛАР ҲАҚИДА КАМ ЁЗИЛАДИ

ЖИНОЯТЧИ ШОХИДА БЎЛСА...

КРИМИНАЛИСТЛАР ФАОЛИЯТИДАН ҲИКОЯЛАР

Яхшилик тобора илдиз отиб, ёвузликнинг пайи қирқилмоқда. Шундай пайтда айрим кишиларнинг онгидаги қолоқликка, аҳлоқ нормаларини бузишга олиб келаётган «туғма доғлар»га асло тоқат қилиб бўлмайди. Ҳали ҳам орамизда боши берк кўчага кириб қолганлар, қора қилмишли жиноятчилар учраб турибди. Бундай одамлар ўз гуноҳларини хаспўшлашга уринадилар ва шу мақсадда баъзан милиция, суд-прокуратура органларини ҳам чалғитадилар, айбларини инкор этадилар. Бу вақтда тергов органларига суд экспертизаси ёрдамга келади. Қуйида ҳозирги замон фан ва техника ютуқларини ишга солиб, энг чигал ва сирли жиноятларни очиб ташлайдиган илмий муассаса — Ҳадича Сулаймонова номидаги илмий-тадқиқот институти ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

ТИЛСИЗ ГУВОҲЛАРНИ СЎЗЛАТИБ

СССР ва Иттифоқдош республикалар жиноят судлов ишларини юргизиш асосларининг 2-моддасида ҳар бир айбдорнинг жиноятига яраша жазоланиши, айбсиз бирон киши эса жафо чекмаслиги талаб этилади. Бу албатта, адолатли ва инсонпарвар талаб. Лекин баъзан жиноятни фош қилиш ва аксинча бегуноҳ кишини (гоҳо унга қарши гувоҳ ҳам бўлади) оқлаш қанчалик қийин эканлигини бу соҳадан узоқ бўлган кишилар тасаввур ҳам қила олмайди.

— Ахир жиноятчи ҳам сизу-биздек одам. Унинг пешонасига ким эканлиги ёзиб қўйилмаган, —дейди Алишер Расулов ўзи бошқараётган криминалистика бўлими ҳақида ҳикоя қилар экан,— айбдор кўпинча ўзига виждон ва андишани ниқоб қилиб олади. Бунинг устига воқеа пухта ўйланган ҳийланайранглар билан амалга оширилади. Шундай вақтда суд органлари бизга мурожаат қиладилар...

Криминалистика бўлимида бугунги кунда 20 дан ортиқ эксперт меҳнат қилади. Улар ўз касбига муҳаббатли кишилар. Бировнинг ҳақига ҳиёнат қилувчи, ғийбатчи, анонимчилар, оддий инсоний ҳислатлар ёт бўлган кишиларга нисбатан муросасиз ҳодимлар. Улар тилсиз шоҳидларни сўзлатиб, жиноятчининг ҳар қандай найрангларини фош эта олишади. Келинг, эксперт криминалистларнинг меҳнат фаолияти билан яқинроқ танишайлик.

«СИЗГА КВАРТИРА КЕРАК ЭМАСМИ?»

Бу воқеа Ангрен шаҳрида бўлиб ўтди. Шаҳар ижроия комитети раисининг имзоси билан баъзиларга квартира олиш учун қарорлар берила бошланди. Худди шу вақтнинг ўзида кўп йиллар навбатга туриб квартира олишга даъвогар бўлган кишилар ҳам бор эди. Бу ҳол кўпчиликни ажаблантирди. Нима қилиш керак? Шаҳар ижроия комитетининг махсус бланкалари номаълум шахслар томонидан қўлга киритилиб, ижроия комитет раисининг имзоси сохталаштирилаётган бўлмасин, деган мулоҳаза бор эди. Шунинг учун шубҳа остига олинган А. исмли киши тергов органида сўроқ қилинди. У ўзига қўйилаётган айбларни инкор этиб, туҳмат учун ҳам жавобгарликка тортиш мумкин деб пўписа қила бошлади.

Ордерлар А. Расулов бошчилик қилаётган хатшунос экспертлар томонидан ўрганилди. Натижада имзо шахсан шаҳар ижроия комитети раисига тегишли эканлиги маълум бўлди. Нима қилиш керак? Экспертлар олдида қийин муаммо турарди. Акс ҳолда бутунлай бегуноҳ киши жавобгарликка тортилиши мумкин.

Мазкур бўлимда юқорида айтганимиздек ўз касбига меҳр қўйган кишилар меҳнат қилади. Ўз номи билан илмий-тадқиқот институтида янги-янги илмий мулоҳазалар таклифлар туғилади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Эксперт Николай Беляев таклифига кўра бланкадаги ёзувлар имзога тегилмаган ҳолда махсус суюқлик билан ювиб ташланди, сўнгра лазерь нури билан ёритилди. Натижа ҳаммани ҳайратлантирди. Маълум, бўлишича дастлаб бланкада умуман бошқа сўзлар ёзилган, уста фирибгар эса уларни ювиб ташлаб ордер олиш учун рухсатнома ёзган экан. Ҳақиқат қарор топди. Жиноятчи ўз айбига иқрор бўлди ва тегишли жазосини олди.

«ПЕНСИЯ ОЛИШГА ҲАҚҚИМ БОР»...

Бундай воқеалар ҳаётимизда тез-тез учраб туради. Бундан бир неча йил аввал хатшунослик бўйича экспертларга республика социал таъминот министрлигидан хат келди. Унда М. исмли кишининг меҳнат дафтарчаси юборилиб, ундаги сўзлар ўзгармаганмикан, деган савол бор эди. Эксперт, катта илмий ходим, ҳуқуқшунослик фанлари кандидати А. Питиримов диққат билан тадқиқот ишларини бошлади. Натижада «бир» сони «тўрт»га айлантирилиб, «кўп йиллик меҳнат стажи» эгаси М. ўзига яна уч йил қўшиб олгани маълум бўлди. Ҳужжатларни криминалистик экспертизаси лабораторияларидаги махсус аппаратлар ёрдамида ёзилган ва устидан ўқиб бўлмайдиган даражада ўчириб ташланган сон ва харфларни ҳам кўриш мумкин. Текшириш давомида кўзбўямачи «4» сонини шахсан ўз қўли билан ёзгани ҳам маълум бўлди.

СИНГАН КУЗОЙНАК...

Қиз доим ишдан жуда кеч қайтар эди. Бугун уйга олиб борадиган кўча кабель ётқизиш муносабати билан тўсиб қўйилибди. Катя қоронғу тор кўчадан кетишга мажбур бўлди. Озгина юргандан сўнг қалин дарахтлар орасида аллақандай шарпалар кўринди. Қиз қадамини тезлатди. Лекин номаълум шахслар унинг йўлини тўсиб олишди. Улар уч киши эди...

Ҳодиса рўй берган ерга оператив группа келганда Катя ҳушсиз ётар эди, ёнида кўзойнакнинг синиқ парчалари сочилиб қолган. Бу жиноятда Ю. исмли шахс гумон билан қамоққа олинди. Энди унинг айбини исботлаш керак. Тинтув пайтида Ю.нинг чўнтагидан ойна синиғи топилди.

Эксперт олдида мураккаб масала турарди. Ҳодиса рўй берган ердан топилган ойна синиқлари билан тинтувда Ю. чўнтагидан топилган ойна синиқлари қиз кўзойнагига тегишлими, йўқми деган масалани аниқлаш керак эди.

Текширишнинг дастлабки босқичида ҳамма синиқ ойналарнинг ранги, қалинлиги ва юмалоқлаш учун механик ишлов берилгандаги излар бир хиллиги маълум бўлди. Сўнг, эксперт ойна синиқларини кўп марта таққослаш билан синиқ чизиқларини бир-бирига мослаб улаб чиқди. Энди эксперт қўлида деярли бутунланган ойна турарди. Шундан кейин эксперт кўзойнак синиқларини йиғиш технологиясини батафсил ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, кўзойнакка ойна ўрнатилаётганда ўнг гардишнинг «ариқчаси»да ойнанинг фақат микроскопда кўриш мумкин бўлган жуда ингичка излари қоларкан. Ана шу изларни ҳар томонлама синчиклаб, қайта-қайта текшириш натижасида улар ҳодиса рўй берган жойда сочилиб ётган ҳамда тинтувда Ю.нинг чўнтагидан чиққан ойна синиқларига тегишли экани аниқланди. Эксперт натижалари билан таништирилган Ю. ўз жиноятига иқрор бўлди ва судланди.

Кўриниб турибдики, криминалист мутахассислар ашёвий далиллар билан иш кўрадилар. Ҳатто энг «нозик» пухта ўйлаб қилинган жиноят ҳам ашёвий излар қолдиради. Кастюм тугмасида чувалиб қолган соч толаси, камар тўқасидаги мошдек қон доғи, қоғоз парчаси, бармоқ излари, оёқ излари буларнинг ҳаммаси синчков тадқиқотчи қўлида жиноятчини рад қилиб бўлмас даражада фош қилувчи беомон далилга айланади.

Криминалистлик нозик ҳамда романтик касб. Сирли равишда юз берувчи қотиллик, ўғрилик, расстрата қилиш, автомобиль ҳалокати, қалбаки ҳужжат ясаш ёки уни ўзгартириш, бу жиноятларни текшириш, тергашда бугун милиция, прокуратура ва суд ходимлари билан бир қаторда жиноятчиликка қарши кураш фронтининг олдинги сафида нозик касб эгалари — криминалистлар ҳам бормоқдалар.

Ҳозир жиноятларни криминалистлар ёрдамида фош этиш илмий-техника воситаларисиз мумкин эмас. Экспертлар ўзларининг илмий-лабораторияларида сердиққат ва мураккаб тадқиқотларни хилма-хил асбоб-ускуналар ёрдамида олиб боришади. Янги аппаратлар моҳир ва эпчил қўлларда ашёвий далилларни тилга киритишда кўмаклашади.

А. НОСИРОВА.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

УЛКАН ЛАККА БАЛИҚ

УЛЬЯНОВСК область Чистополь шаҳридан П. Емельянов қармоқ ташлаб, улкан бир лаққа балиқни тутиб олди. Балиқнинг узунлиги қарийб икки метр, вазни эса 22 килограмм чиқди.

Павел Георгиевич эрталаб Кама бўйига келди. Аввал бошида икки килограммли лаққа балиқ қармоққа илинди. Иккинчи марта қармоқ ини тордек таранг тортилди. Ўлжани зўрга тортиб чиқарди.

— П. Емельяновнинг омади келиб қолган,—деб шарҳлайди бу фактни биология фанлари кандидати Ю. Маҳотин.— Балиқчиларнинг тўрига бундан ҳам каттароқ — 50 ва ҳатто 70 килограммли лаққа балиқлар тушган. Лекин қармоққа бунақанги каттаси илинмаганди. Чунончи шу йил Лаишев балиқчилик совхозидан А. Анкудинов звеноси 207 килограмм келадиган белуга балиғини тутди.

Бу воқеалар Куйбишев сув омборида балиқлар учун шароит яхшиланганлигининг далилидир. Бу ерда 800 мингтадан кўп балиқ урчитиладиган сунъий жойлар ҳозирланган. Корхоналарда тозалаш иншоотлари қурилмоқда ва кенгайтирилмоқда, кемалар ювийди сувни дарёга ташлашни тўхтатди, моторли қайиқларда сузиш чекланди.

Н. СОРОКИН, ТАСС мухбири. Қозон.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.00 — Мультфильм. 10.20 — «Олдинда — океан». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.30 — «Асли болаликдан». 12.10 — Ҳужжатли фильм. 3-серия. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — «Юлиус Фучик ҳақида ҳикоя». 17.10 — Концерт. 17.55 — «Рус тили». 18.25 — «Миллионлар ленинча университети». 18.55 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.10— «Дунё воқеалари». 19.20 — «Фан ва турмуш». 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. 21.30 — «Время». 22.00 — «Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК —«Спартак». 23.10 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.40 — М. Ю. Лермонтов. 10.10 ва 13.30 — Испан тили. 11.15— Астрономия. 11.45 — «Сиз яратган боғ». 12.15 П. Д. Корин ижоди. 13.00 — Телеочерк. 14.00 — Карл Маркс ва революцион Россия. 14.30 — «Петерс». Бадиий фильм. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Очиқ эшиклар куни». 19.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Музикали кўрсатув. 21.30 — «Время». 22.00 — «Гармония». Бадиий фильм. 23.15 — Ҳужжатли фильм.

УзТВ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — «Бойчечак». 12.30 — «Тинч океанда ҳам». Бадиий фильм. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — «Сўз кетидан сўз келар». 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — «Ҳаёт каби тирик». 19.30 — «Ахборот». 19.45—«Бугун оламда нима гап». 20.00 — Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.25 — Ўзбекистон халқ шоири, Ленин мукофотининг лауреати Ғ. Ғулом туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча. 23.55 — Янгиликлар.

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» трестининг

УҚУВ КОМБИНАТИ ЯНГИ-АНГРЕН ГРЭСи қурилишида ишлаш учун сувоқчи-бўёқчилар, ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-бетончилар, электр-газ пайвандловчилар тайёрлайдиган КУРСЛАРГА УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УҚИШ МУДДАТИ — 3—4 ОЙ. Ойига 75 сўм стипендия тўланади.

Етоқхонадан жой берилади. Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, «Комсомол 40 йиллиги» кўчаси, 39 «А» уй. Телефон 66-09-02;

Янги-Ангрен ГРЭСи ўқув пункти адреси: Оҳангарон райони, Нуробод посёлкаси.

Тошкент область «Узглавзаготживпром» трести коллективи чорва молларини етиштириш бўйича Оққўрғон район конторасининг директори

Мамат ОМОНҚУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02235. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1699. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12